

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 3 декабрь, № 235 (5402) Шанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Н. А. Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Нормўмин Амонович Чориев** Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 2 декабрь





### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

*«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».*

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси).**

# ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни изчил жорий этмасдан туриб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш мушкул. Шу боис мамлакатимизда фан тараққиётини таъминлаш ва инновацияларни ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизнинг 42-моддасида ҳам давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилган.

Республикамизда ҳозирги кунда узоқ муддатли (5 йилгача) фундаментал тадқиқотлар, ўрта муддатли (3 йилгача) амалий тадқиқотлар ҳамда қисқа муддатли (2 йилгача) инновацион ишланмалар Давлат илмий-техника дастурлари танловлари асосида шакллантирилмоқда. Бу механизмнинг афзал жиҳатлари шундаки, фундаментал тадқиқотлар доирасида яратилган ғоялар амалий тадқиқотларда тажриба нусхаси даражасига етказилса, инновация ишлари орқали иқтисодиёт тармоқларида жорий этилади.

Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Гап шундаки, ушбу қарорга мувофиқ, Фан ва технологиялар тараққиётининг 2012 — 2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Айни пайтда унинг доирасида истиқболли илмий йўналишлар бўйича инновацион тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этиш, муҳим ишланмаларнинг натижаларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий қилиш, халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлашда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Унга кўра, 2009 — 2012 йиллар давомида лаборатория асбоб-ускуналари сотиб олиш учун давлат бюджетидан 10 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар асосида амалий илмий-техник дастурлар ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланаётган муассасалар 2013 йилнинг 1 январигача солиқ тўловларидан озод қилинган.

(Давоми 2-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

***Жиззахда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналарнинг масъул ходимлари қатнашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг мазкур асари жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, у истиқлолимиз тарихини ўрганишда юксак илмий-амалий аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Мустақилликка эришиш, уни мустаҳкамлаш, ўтиш даврида иккиланиш ва саросимада қолган одамларни эскича яшаш мумкин эмаслигига, миллий истиқлол ғояларига ишонтириш, Ватанимиз мустақиллигини кўролмаётган кучларнинг таҳдидларига қарши туриш, собиқ тузум даврида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш ўта мураккаб вазифа эди. Президентимизнинг жасорати, қатъияти туфайли мамлакатимиз, халқимиз ғоят машаққатли бу йўлни мардона босиб ўтди. Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб, босиқлик ва вазминлик билан юритган оқилона сиёсати бу борада ҳал қилувчи омил бўлди.

Йиғилишда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ. Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов ва бошқалар Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида Ватанимиз тарихининг курашларга бой энг муҳим даври аниқ воқеалар, ҳужжатлар асосида ҳаққоний акс эттирилгани, бу асарнинг мамлакатимиз тарихини ўрганишдаги ўрни ғоят улкан экани ҳақида сўз юритдилар. Асарни ўрганишни кенг йўлга қўйиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда Жиззах вилояти ҳокими С. Исмоилов сўзга чиқди.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***САМАРҚАНД. Ургут туманидаги гиламчиликка ихтисослаштирилган "Бегмез Халил" қўшма корхонасида қиймати 350 минг АҚШ долларилик янги технологик линия ишга туширилди.***

### Истиқболли лойиҳа

Мазкур лойиҳа шу пайтгача хориждан келтириладиган полипропилен ип тайёрлашни ўзлаштириш имконини берди. Айтиш жоизки, корхона жамоаси жорий йилнинг тўққиз ойида буюртмачиларга 4 миллиард 292 миллион сўмлик гилам маҳсулотлари етказиб беришга муваффақ бўлган. Умуман олганда, туманда ишлаб чиқариш тармоқларида олиб борилган модернизация тадбирлари натижасида 87 миллиард 200 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлашга эришилди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРХОНДАРЁ. Юртимизда бунёдкорлик ишлари кенг авж олаётганини назарда тутиб, Денов туманидаги "Мўйдин Мирзо" хусусий корхонаси жамоаси 100 миллион сўм эвазига йўлак қопламалари ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

### Бунёдкорлар буюртмалари асосида

Бунинг ҳисобига ўн киши ишли бўлди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган сифатли ва бежирим қурилиш хом ашёларига вилоятдаги бунёдкорлик жамоалари ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурувчилардан буюртмалар тушмоқда.

Шу пайтга қадар Сурхондарё вилоятида ноозиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга мўлжалланган 8,7 миллиард сўм ва 3,7 миллион АҚШ долларилик 20 та лойиҳа амалга оширилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида жами 533 та корхона фаолият бошлади.***

### Маҳсулот тури кўпайди

Қўқон шаҳридаги "Имано Груп" масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Эътиборлиси, корхона янги хорижий ускуналар билан жиҳозлангач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 25 тага етди. Шунингдек, жамиятда саноат корхоналари учун махсус пойабзалларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Ҳазорасп туманида 1 октябрь ҳолатига кўра, 9 миллиард 19 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ички бозорга чиқарилди. Қувонарлиси, бунда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

### Кичик бизнес ҳиссаси

Чунончи, тадбиркор Бибисора Отажонова саъй-ҳаракати билан фаолият бошлаган "Sirius Sil Vana" масъулияти чекланган жамияти дастлабки 30 миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотларини савдо шохобчаларига етказиб берди. Ҳозир бу ерга ўрнатилган 22 та замонавий дастгоҳ 17 нафар хотин-қиз томонидан бошқарилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олдидан

# СТАТИСТИКА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида молия ҳамда статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаган эди.***

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Концепцияда белгилаб берилган мазкур вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Барчамизга маълумки, статистиканинг асосий вазифаси давлат ва бошқа муассасалар, шунингдек, жамоатчиликни белгиланган тартибда статистика маълумотлари билан таъминлашдир. Мазкур вазифа ҳозирги вақтда 2002 йилда қабул қилинган "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун доирасида амалга оширилмоқда.

Айни чоғда ўтган давр мобайнида иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг ривожланиши, давлат статистика кузатувларини ўтказишда халқаро тавсияларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва бугунги замон талабларига мослаштириш зарурати "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2011 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага — 2011 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

### Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

# ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

## баркамол авлод тарбияси йўлидаги эзгу ишлар моҳиятини ташкил этади

***Тинчлик — бебаҳо неъмат, улуғ саодат. Осойишта ҳаёт ҳукм сурган юртда фаровонлик бардавом бўлади. Албатта, юрт тинчлигини асраш фақат хоҳишу орзу-умидларгагина боғлиқ эмас. Бунинг учун чуқур ўйланган сиёсат, қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилмоқ керак.***



Бугун Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассам бўлиб, ихчам, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминланган, маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан қудратли, мамлакатимиз хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир армияни шакллантириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 22 майдаги "Ҳарбий-академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори асосида иш бошлаган Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейи бу борадаги ислоҳотлар мевасидир. Бу ерда ўқитиш тизими давлат таълим стандартларига мувофиқлаштирилган бўлиб, бунинг учун зарур моддий-техник база ва инфратузилма яратилган. Билим даргоҳидаги ўқитиш тизими ва тартиб-интизом ҳарбий ҳаётга яқинлаштирилган. Бу ўқувчиларда касб маҳорати ва ҳарбийлик кўникмалари шаклланишида муҳим омил бўлаётир.

— Билим масканимизда келажакда юртимиз осойишталиги йўлида камарбаста бўлиб хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилган шижоатли, оловқалб ёшлар таҳсил олмоқда, — дейди лицей директори Алишер Назаров. — Бу ердаги физика, кимё ва биология лабораториялари, 22 та ўқув, 2 та компьютер ва компьютерлаштирилган лингафон, битта электрон тир хонаси, шунингдек, спорт зали ҳамда майдончалар улар ихтиёрида. Ўқувчиларга тажрибали педагог ва ҳарбий хизматчилар таълим-тарбия бермоқда.

Муассаса замонавий жиҳозлар, моделлаштириш, симуляция воситалари, тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт инвентарлари, керакли ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар билан таъминланган. Лицейнинг ахборот-ресурс марказида қарийб ўн уч мингга яқин ўқув ва бадиий адабиётлар жамланган, замонавий компьютерлар эса интернет тармоғига уланган.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказиш учун "Ахборотлар олами", "Физикани ўрганамиз", "Кимёгар", "Ёш математиклар", "Эверест чўққиси" каби 14 та фан тўгараги, "Нишонга тўғри отиш", "Фуқаро муҳофазаси", "Миллий кураш", "Қўл жанги", "Баскетбол", "Амир Темур авлодлари" сингари спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Ёшлар бундай машғулотлар орқали ўз билим ва малакаларини ошириш баробарида, жисмонан чиниқмоқдалар.

(Давоми 4-бетда).

***Тошкентда "Модернизация ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш стратегиялари" мавзуида III Ўзбекистон иқтисодчилари форуми бўлиб ўтди.***

# ИҚТИСОДЧИЛАР ФОРУМИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Германиянинг Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Унда республика ва ҳудудий илмий, таълим марказларининг олимлари ва етакчи мутахассислари, ёш иқтисодчи олимлар, тадқиқотчилар, мамлакатимиздаги иқтисодиёт олий ўқув юртлари магистрантлари ҳамда қатор халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Форумда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, юқори қўшимча қийматга эга юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлаш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг муҳим вазифаларидан эканлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг йўл очиб берилди. Бунда, айниқса, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар сони охирги беш йил мобайнида бир ярим баробар ошди, якка тартибдаги тадбиркорлар сони эса жорий йилда 115 минг кишидан ортди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида давлат статистика тизимида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишларни кескин равишда қисқартиришга эришилди.

Эндиликда статистика ҳисоботлари учун иш ҳажмини камайтиришга қаратилган. ... жорий этиш кенгайтирилди ҳамда 22 давлат статистика ҳисоботлари шаклларини электрон кўринишда қабул қилиш учун имконият яратилди.

Статистик маълумотларни электрон шаклда йиғишнинг илғор усулларини янада кенг жорий этиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий замин яратиш маълумотларни тайёрлаш тезкорлигини ҳамда сифатини ошириш ва хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этадиган маълумотлар ҳажмини оптималлаштириш ҳамда маълумотларни шакллантиришда фойдаланилади. Шу каби кузатувларни амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий механизм қонуний белгиланмоқда. Шу билан бирга, Қонун ваколатли органнинг функцияларини очиб берувчи модда билан тўлдирилмоқда.

Амалиётда статистика кузатувлари ўз ичига статистика ҳисоботлари асосида статистик маълумотларни йиғишнигина эмас, балки кузатувларнинг бошқа турларини ҳам қамраб олади. Статистика ҳисоботини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида тақдим этадилар.

Кузатувларнинг бошқа турлари (сўровлар, анкеталар, танланма кузатувлар, бевосита кузатувлар), одатда, статистика органлари ходимлари ёки махсус тайёрланган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартишлар турли хил фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар статистика кузатувининг қайси турига мансублигини ва статистика органларининг статистика кузатувларини ўтказишдаги ҳуқуқларини аниқ белгилаш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, Қонун давлат статистика тизими фаолиятининг самарадорлигини, статистик маълумотларнинг тезкорлиги ва сифатини янада ошириш учун қўшимча ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**И. ЭШМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.**

# СТАТИСТИКА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳисобот топширувчи субъектлар сонининг изчил кўпайиб бориши статистик маълумотларни йиғишда замонавий статистик услублар ва технологиялардан янада кенгроқ фойдаланишни талаб қилади. Бу статистика органларининг методология ва ҳисобот-статистик ҳужжатларни тасдиқлаш, давлат статистикаси сифатида ҳисобот йиғиш билан бир қаторда, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг танланма кузатувлари натижаларидан ҳам фойдаланиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш борасидаги ваколатини аниқлаш заруратини юзага келтиради.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда халқаро ва миллий статистика ташкилотларининг мақсадлари статистика ҳисоботлари тақдим этувчилари маълумотларининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги текшириш давомида эмас, балки таҳлил қилиш мақсадида замонавий дастурий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда бевосита ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида таъминланмоқда. Шу сабабли мазкур Қонунга статистик маълумотларни қабул қилиш жараёнида аниқланган хатоларни ўз жойида дарҳол тузатиш ҳуқуқини белгилайдиган қўшимча киритилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурида интернет орқали маълумотлар йиғишга босқичма-босқич ўтиш бўйича чоралар кўзда тутилган. Мазкур чораларни амалга ошириш доирасида жорий йилда статистика тизими фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини унинг асоссиз ўсишига йўл қўймасликни таъминлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро статистик стандартига мувофиқ, уй хўжаликлари ялпи ички маҳсулотга ҳисса қўшувчи иқтисодиёт тармоқларидан бири ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, юртимизда уй хўжаликлари анча кенг тарқалган. Масалан, йирик шохли қорамолларнинг 93,4 фоизи деҳқон хўжаликлари ва аҳолида етиштирилади. Уй хўжаликлари, одатда, ўз фаолиятлари тўғрисида мунтазам равишда ёзувлар олиб бормаслиги сабабли, уларда танланма сўровни статистика органларининг махсус ўқитилган мутахассислари олиб борадилар. Сўров натижасидан келгусида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси тўғрисидаги

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Транспортдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигининг Тошкент шаҳридаги ҳолати муҳокама қилинган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланиб, эл фаровонлиги юксалиб бормоқда. Халқимиз турмуш даражаси тобора ошаётганини йўлларимизни тўлдириб юрган ва асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни янада изчиллик билан амалга оширишни тақозо этмоқда.

— Юртимизда соҳадаги муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилган йигирма бешдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, — деди қўмита аъзоси М. Усмонов. — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофазалаш, ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республика ҳудудидаги йўлларда ҳаракатланишнинг ягона тартиби, транспорт воситаси ҳайдовчилари, пиёдалар, йўловчилар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг умумий вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланган. Айтиш жоизки, амалиётдан келиб чиқиб, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб борилмоқда.

Йиғилишда 2011 йил 26 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги бир қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг кучайтирилганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, нафақат транспорт воситалари эгалари, ҳайдовчилар, балки Давлат йўл

**Тадбир**

ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам масъулияти бирмунча оширилди, улар фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бу ўрганиш натижаларида ҳам ўз ифодасини топди. Тадбирда транспортдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш ва самарали ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда бир қатор ишлар амалга оширилгани айтиб ўтилди.

Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўзда тутилган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги каби асосий принципларга амал қилинган. Соҳа ходимлари малакаси ва масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, тизим замонавий янги техник воситалар билан таъминланган, компьютерлаштирилган. Қолаверса, унда транспорт воситаларини сақлаш учун вақтинчалик жарима майдонларини ташкил этиш, йўллар ва йўл иншоотларини қуриш, уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш борасида бир қатор ишлар қилинган. Буларнинг натижасида 2011 йилнинг 10 ойи мобайнида ҳудудда аниқланган йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19 фоизга камайган.

Йиғилиш қатнашчилари соҳада айрим камчиликлар мавжуд эканлигига ҳам эътибор қаратдилар.

— Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган маъмурий жазо қўллашда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳар доим ҳам ҳисобга олинган деб бўлмайди, — деди қўмита аъзоси П. Свешников. — Қолаверса, шаҳар йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш, уларни ўрнатилган муддатларда ваколатли органларга юбориш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни белгиланган муддатда кўриб чиқиш ва қарор чиқариш, бунда қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан, чунончи, инспекторлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича семинарлар ўтказиш, уларнинг малакаси, ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, соҳада қонун ижросини таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, тадбирда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Назорат**

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Давлат солиқ ва статистика қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари ижроси муҳокама этилди.

# ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Йиғилишда республикамизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Жумладан, прокуратура идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 4 мингдан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 3,4 мингга яқин тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилган, натижада 6 минг 500 та янги иш ўрни яратилган.

Тадбирда бу борадаги камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилиб, айрим маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари ҳамда назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, тўсқинлик қилиш ва ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунларга амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда тадбиркорлар учун очиқ мулоқот ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу борада мутасадди шахсларнинг масъулиятини янада ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати.**

# МУҲТАШАМ КОШОНА ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

***Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллик айёми арафасида Навоий шаҳрида Ёшлар саройи фойдаланишга топширилди.***

Ушбу тантанали маросим кенг жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар, устоз-мураббийлар ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда навқирон авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини алоҳида эътироф этишди. Дарҳақиқат, бугуннинг ёшлари — фаол, ташаббускор, шижоатли ва интилувчан. Улар илм-фан, санъат, спорт, тадбиркорлик сингари илғор соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритиб, баланд марралар сари одимламоқдалар. Ва табиийки, ҳавас қилса арзигулик ушбу ютуқларнинг бари юртимизда фарзандлар камоли йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

**Хушхабар**

Айни пайтда навоийлик ёшлар ҳам ана шундай беқиёс ғамхўрликка жавобан, ўқиб-изланиб, иқтидорлари, ижодий қобилият ҳамда салоҳиятларини намоён этишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Қувонарлиси, янги маърифат маскани — Ёшлар саройи улар учун яратилган яна бир ўзига хос қулайликдир. Ушбу иншоот “Навоий қишлоқ қурилиш” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари меҳнати билан бунёд бўлди. Бу ерда ўғил-қизларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ижодий ва интеллектуал имкониятларини юзага чиқариш учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Яна ҳам аниқроғи, муҳташам кошонада турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, ижтимоий лойиҳалар ҳамда санъат асарлари тақдимотини ўтказиш, миллий ҳунармандчилик ва тасвирий санъатга оид кўргазмалар уюштириш, қолаверса, ўнга яқин спорт турлари билан шуғулланиш мумкин.

Маънавият масканида “Бунёдкор ёшлар” клуби, ахборот-ресурс маркази, хорижий тиллар, бизнес, компьютер саводхонлиги, архитектура ва дизайн, журналистик ижод ҳамда амалий санъатга йўналтирилган қатор тўгараклар ҳам борки, интилувчан йигит-қизлар эндиликда бу ерда бўш вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, касбу ҳунар эгаллашади. Қолаверса, Ёшлар саройи биносида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳам фаолият кўрсатади. Бу юзлаб иқтидор соҳибларининг янгича ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

**Азамат ЗАРИПОВ.**




**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# ИҚТИСОДЧИЛАР ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу вазифалар глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори, иқтисод фанлари доктори Авазбек Содиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ривожланишнинг “ўзбек модели” ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистоннинг иқтисодиёт фани олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Форумда “Иқтисодий сиёсат ва прогнозлаштириш самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар”, “Инқироздан кейинги даврда иқтисодиётни модернизациялаш стратегиялари ва уни ривожлантириш истиқболлари”, “Ижтимоий ривожланиш стратегиялари ва инсон салоҳияти сифатини ошириш”, “Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” мавзуларида секция муҳокамалари ҳам ташкил этилди.

Форум қатнашчилари Ўзбекистоннинг бюджет, солиқ, монетар ва инвестиция сиёсати, миллий иқтисодиётимизни модернизациялаш модели, реал ва молиявий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги, мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегиялари, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш масалаларини муҳокама қилдилар.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилаётган “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этиш лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ

## ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг устувор омилидир

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларга, хусусан, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилаётган эътибор амалда ўз самараларини бермоқда. Масалан, бугунги кунда республикамиздаги ҳар бир олий ўқув юртида компьютер синфлари мавжуд бўлиб, улар интернет тармоғига боғланиш имкониятига эга. Шунингдек, ўқитиш жараёнида замонавий мультимедиа воситалари, дастурий ва техник таъминотлар, илғор ускуналардан кенг фойдаланилмоқда. Булар таълим сифатини оширишга хизмат қилаётир.

**Тақдимот**

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси белгилаб берилган эди. Тақдим қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ана шу вазифалардан келиб чиқилди.

“Электрон таълим” миллий тармоғини яратиш лойиҳаси асосида жорий йилда барча олий таълим муассасалари, илмий-маърифий муассасалар ягона тармоққа уланди. 2012 йилда яна 84 та таълим маскани қамраб олиниши режалаштирилган.

Хўш, унинг афзаллиги нималарда намоён бўлади? Айтиш жоизки, миллий тармоқ таълим жараёнини ташкил этиш ва маълумотлар алмашинувини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Жумладан, аудио, видеоконференц-алоқа орқали турли хил тадбирлар ўтказиш, уларни ёзиб олиш ҳамда таълим ёки илмий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимиз ва хорижий олий таълим муассасалари билан телекўприклар орқали мулоқот ўрнатиш, яратилган ахборот ресурслари ҳамда веб-лойиҳалари(веб-сайтлар, порталлар, ижтимоий тармоқлар)ни, виртуал лабораторияларни жойлаштириш ва улардан кенг фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш масофавий курсларини ташкил этиш имконияти мавжуд.

Тақдимот маросимида юртимиздаги олий таълим ва бошқа маърифий муассасалар билан тўғридан-тўғри масофавий телеалоқа ўрнатилди. Мазкур лойиҳанинг афзалликлари, унинг аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилда асос солиниб, анъанавий тус олган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси, айтиш мумкинки, илмий тадқиқот ташкилотлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин кооперация алоқаларини ўрнатишга хизмат қилаётир. Ушбу тадбирлар доирасида умумий қиймати 52,0 млрд. сўмлик 1584 та шартнома ва келишув баённомаси имзолангани бунинг далилидир. Бу, ўз навбатида, 169,6 млрд. сўмлик янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 9,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валютани иқтисод қилиш, 11,8 млрд. сўмлик электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежаш имконини берди.

Кейинги йилларда тармоқлар ичида ишлаб чиқаришнинг йирик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий ва инновация лойиҳаларини рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки муайян вазирликлар тасарруфидаги илмий ва таълим муассасаларининг олимлари фақатгина ўша соҳа ривожига хизмат қиладиган технология ишлаб чиқилишига сафарбар қилинади. Бу эса “ёриб чиқиш” имконини бермоқда. Бунга Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий ва олий таълим муассасалари томонидан “Ўзкимёсаноат”, “Ўзфармсаноат” компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалари яққол мисол бўла олади. Чунки янги инновацион технологияларнинг кимё ва фармацевтика саноатларига жорий этилиши маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, шунингдек, моддий ва табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида кўпгина қулайликларни яратди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни юксалтириш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани, илм аҳли моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани туфайли ҳар йили кўплаб замонавий илмий ишланмалар яратилмоқда. Бундай технологик инновациялар иқтисодиётимизнинг ёқилғи энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, электротехника каби етакчи тармоқларида жорий этилиб, Ўзбекистонимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаяпти.

**Январжон ХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлими бошлиғи.**

**Бухоро томонларда**

# Ярмаркадан янги иш жойига

***Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар Бухоро вилоятида 103 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 9762 киши иш ўрнига эга бўлди.***

Когон шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 153 та корхона ва ташкилот 1600 дан зиёд иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 558 нафар фуқарога ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди.

# Вилоят босқичи якунланди

***Ўз билими ва истеъдодини намойиш этиб, Зулфияхонимдек эл ардоғида бўлиш орзусидаги қизлар Бухорода жуда кўп.***

Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб номзодлар тавсия қилиш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида бу яна бир карра исботини топди.

Танловнинг қуйи босқичларидан ўтган 57 нафар қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида ўзаро беллашди. Якунда энг муносиб деб топилган қизларга танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 845,1 ▼ -14,2 | УН биринчи нав 645,9 ▲ +20,9 | УН иккинчи нав 583,5 ▼ -1,1 | ПАХТА ЁҒИ 2008,9 ▲ +76,5 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼ -0,07 |

## Худойбердиев Нармахонмади Жўраевич



Шу йил 1 декабрь куни собиқ Ўзбекистон Министрлар Совети раиси Нармахонмади Жўраевич Худойбердиев 84 ёшида вафот этди.

Н. Ж. Худойбердиев катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1928 йил 10 февраль куни Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилди.

1949 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатди. Мазкур институт аспирантурасини тамомлаб, ассистент, доцент бўлиб ишлади, номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида турли масъул лавозимларда хизмат қилди. 6 йил давомида республика қишлоқ хўжалик вазири вазифасида фаолият кўрсатди. 1971 йил Ўзбекистон Министрлар Совети раиси этиб тайинланди.

Қаерда меҳнат қилишга тўғри келмасин, у ҳамма жойда виждонан, юксак масъулият туйғуси билан ишлади.

Нармахонмади Жўраевичнинг эзгу хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган барча инсонларнинг қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

## ТАЖРИБА ВА ИЗЛАНИШ МАҲСУЛИ

***Бозорни юрт ободлиги, эл маъмурчилиги кўзгусига менгзашади. Бу бежиз эмас. Зеро, пештахталардаги мўл-кўлчилик шу заминда яшаётган аҳоли турмуши фаровонлигидан далолатдир.***

***Дарҳақиқат, юртимиз бозорларидан йилнинг тўрт фаслида ҳам хоҳлаган маҳсулотнинг энг сарасини танлаб харид қилишингиз мумкин. Уларнинг аксарияти она-заминимизда етиштирилгани эса эътиборга моликдир.***

Бу аслида, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросининг самарасидир.

— Мазкур қарор бизнинг зиммамизга ҳам юксак масъулият юклади, — дейди Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Равшан Абдуллаев. — Ўтган даврда олимларимиз томонидан яратилган мева ва узумнинг 23 та нави давлат реестрига киритилгани, очиғи, ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда қилинган меҳнатнинг натижаси. Олманинг "Ойдин", "Малика", "Чўлпон" ва "Нафис", нокнинг "Салом" ва "Восток", шафтолининг "Шарқ" ва "Нектарин", гилоснинг "Клон" ва "Эльтона", ўрикнинг "Наврўз" ва "Мароқанд" навлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, жорий йилда маҳаллий ва четдан келтирилган навларни пайвандлаш орқали Жиззах оқ олмаси, Фарғона йирик луччак шафтолиси, хурмонинг "Малика", ёнғоқнинг "Истиқлол" ва қулупнайнинг "Баунтифул" навларини ҳам Давлат нав синаш комиссиясига топширдикки, уларнинг яқин йилларда юқори ҳосил беришига ишончимиз комил.

Институтнинг илмий тажриба марказида туман ҳосил қилиш йўли билан ўсимликларни кўпайтирувчи иссиқхоналардан бирида 12 минг туп лимон кўчати парваришланаётганига гувоҳ бўлдик. Бу кўчатлар очиқ майдонга экилса, беш-олти гектар ерни банд этаркан. Тўрт гектардан иборат марказда эса турли давлатлардан олиб келинган ва маҳаллий навларнинг ўнлаб турлари кўпайтирилмоқда. Ниҳолларнинг айримлари махсус тувакларда ўстирилаётгани, айниқса, диққатни тортади.

Институтда, шунингдек, Хитой технологияси асосида бешта иссиқхона ҳам ташкил этилган. Улар иситиш тизимисиз ишлайди. Сабаби, тахминан икки метр чуқурликдан иборат ва бир томони шунча баландликдаги девор билан тўсилган мазкур иссиқхонада ҳарорат табиий равишда бир маромда сақланади.

### Жараён

Институтда бундай илғор тажрибаларни оммалаштириш, боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига кўчатлар етказиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилган.

— Бугунги фермер ҳар томонлама тадбиркор, янгиликларга интилувчан бўлса, — дейди Сирдарё туманидаги "Ғазали бобо" фермер хўжалиги раҳбари Т. Бекиров, — унинг иши юришаверади. Масалан, бизнинг хўжалигимизда ҳар йили ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олинади. Шу билан бирга, икки гектарлик иссиқхонамиз ҳам мавжуд. Унинг ярмини бу йил "Агробанк" томонидан ажратилган кредит ҳисобига бунёд қилиб, помидорнинг "Шарлотта", бодрингнинг "Жемри" навлари уруғини экдик. Айни пайтда пишиб етилган маҳсулотларимизни аҳоли дастурхонига пешма-пеш етказиб бераяпмиз. Тез орада помидор ва бодрингларни хорижга ҳам сотиш ниятидамиз.

Иссиқхона ташкил этиб, ундан самарали фойдаланаётган бундай юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб, улар халқимиз дастурхонига ёз неъматларини тортиқ қилаётгани қувонарлидир. Гап шундаки, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида республикамизда қишлоқ хўжалиги тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида 164,1 гектар майдонда 416 та иссиқхона ташкил этилди. Бу бозорларимиз янада фаровон бўлишига хизмат қилади, албатта.

Элимиз дастурхони, унинг турмуши тўкислиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерларимизнинг ташаббуси ҳеч қачон сўнмасин!

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** *институт илмий ходими А. Орипов, аспирант Г. Қорахўжаева ва лаборант Н. Умарова янги навни кўздан кечирмоқда.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## НОЗ-НЕЪМАТЛАР САРХИЛ САҚЛАНАДИ

*Жорий йилда Тошкент вилоятида мева-сабзавот сақловчи замонавий омборхоналарнинг умумий сиғими икки баробар кенгайди. Гап шундаки, 2011 — 2015 йилларда янги музлаткич камералари қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича ўтган тўққиз ой мобайнида 13 минг тоннадан кўпроқ мева-сабзавотни сифатли сақлаш имконини берувчи 7 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.*

### Модернизация

Хусусан, Юқори Чирчиқ туманида иш бошлаган "Техно Хладо сервис" масъулияти чекланган жамияти бу йилги қиш мавсумида аҳоли дастурхонига 420 тонна сархил мева-сабзавот етказиб бериш ниятида. Бу ерда бунёд этилган иншоот Германиянинг "Биксер" фирмаси технологияси билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компьютерлаштирилган агрегатлар камералардаги ҳарорат ва намлик даражасини автоматик тарзда бошқариш орқали маҳсулотнинг сифатини бузмай, асл ҳолича сақлаш имконини беради.

Эътиборлиси, яқин тўрт йил ичида вилоятда яна шундай 40 та замонавий омборхонани барпо этиш белгиланган. Бу — ҳудудда етиштирилган дала ва боғ неъматларининг камида 50 минг тоннаси қиш ва баҳор мавсумигача бус-бутун сақланади, дегани.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗ

***Маълумки, республикамизда тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига молия муассасалари ҳам ўз хизмат ва маблағлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунга айнан шу соҳани қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.***

Гап шундаки, мазкур банк томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида соҳа вакилларига 285,9 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида жойларда 98 минг 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ушбу маблағнинг 21,5 миллиард сўми бошланғич сармоя сифатида берилгани, унинг аксарият қисми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорликни йўлга қўйиш учун йўналтирилгани, айниқса, эътиборлидир.

"Микрокредитбанк"да, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида ишбилармонларни рағбатлантириш мақсадида "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танлови ташкил этилгани ҳам бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Кеча пойтахтимизда мазкур танловнинг якуний босқичига бағишлаб ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр ичида унга республикамизнинг турли ҳудудларидан юзлаб аризалар келиб тушди ва уларнинг орасидан энг муносиби танлаб олинди. Яъни бунда тақдим этилган лойиҳанинг самарадорлиги, яратилган иш ўринлари, талаб ва таклифнинг қай даражада ўрганилганига эътибор қаратилди.

### Хизмат

Якунда Зангиота туманидаги "Асли ГМ" хусусий корхонаси раҳбари Гулнора Маҳмудованинг ғояси "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" деб топилди.

*— Биз "Микрокредитбанк" билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди Гулнора Маҳмудова. — Ҳозирги кунда ишчиларимиз сони юз нафардан ошгани, тикаётган кийим-кечакларимизнинг нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилгани, қисқача айтганда, фаолиятимиз кенгайиши шу ҳамкорлик натижасидир.*

Шу билан бирга, тадбирда танлов асносида қўшимча эълон қилинган "Энг кўп иш ўрни ташкил этган тадбиркор", "Қишлоқдаги энг ёш тадбиркор", "Қишлоқдаги энг яхши тадбиркор аёл", "Ҳудуддаги энг яхши сервис хизмати" ҳамда "Эл дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшган тадбиркор" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар қимматбаҳо совға ва банкнинг махсус дипломлари билан тақдирландилар.

**Д. МУРОДОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё минтақавий филиали**

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2011 йил 26 апрелдаги 2-40 Ж/2011-сонли ижро варақасига асосан давлат фойдасига мусодара қилинган, Сирдарё тумани, М-39 «Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг 71 км.ида жойлашган, умумий майдони — 442,15 кв.м., 60 ўринли, яхши ҳолатдаги «Эдем» кафеси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 141 030 711 сўм.***

Аукцион савдоси 2011 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Талабгорлардан ариза иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефонлар: ( 8-367) 226-28-93, 226-38-91.**

1636R/773




**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Хоразм вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**2011 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2010 йил 21 октябрдаги 22-10 05/9391-сонли ижро варақасига асосан, Шовот тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Шовот деҳқон бозори» МЧЖга қарашли бўлган, ТИФ «Миллийбанк» Урганч бўлими Шовот филиалидан олинган кредити учун гаровга олинган, Шовот тумани, Ҳунармандчи кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий ер майдони — 9644 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони — 3513,06 кв.м.ни ташкил қилган 2 та маъмурий бино, гўшт саройи биноси, ҳожатхона, лаборатория биноси, омборхона, 2 та бостирма, қишки бозор биноси мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 437 500 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги мулклар 2011 йил 20 декабрь куни сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2012 йил 6 январь куни бўлиб ўтади.

**2012 йил 5 январь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Хоразм вилояти ҳокимининг 2011 йил 2 апрелдаги 71-к-сонли қарори ва Хоразм вилояти «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниясининг 2011 йил 26 апрелдаги 1-сонли фармойиши ҳамда «Қороман-Аҳмаджон Якубов» номли болалар оромгоҳи шўъба корхонаси тугатиш комиссиясининг 2011 йил 22 ноябрдаги 14-сонли хатига асосан, Урганч тумани, Қороман қишлоғи, Ўртабоғ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони — 63810.8 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони — 2102,41 кв.м.ни ташкил қилган болалар оромгоҳи мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 607 814 000 сўм.***

**II.** Хоразм вилояти ҳокимининг 2011 йил 2 апрелдаги 71-к-сонли қарори ва Хоразм вилояти «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниясининг 2011 йил 26 апрелдаги 1-сон фармойиши ҳамда «Қўшкўпир-Ғозовот таъминот савдо» шўъба корхонаси тугатиш комиссиясининг 2011 йил 23 ноябрдаги 78-сонли хатига асосан, шўъба корхонасининг Қўшкўпир туманида жойлашган мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 291 165 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги мулклар 2012 йил 5 январь куни сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2012 йил 9 январь куни бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан маҳаллий суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-43-64. Факс: (8-362) 226-32-63.**

*Лицензия: RR-0001.*

1637R/773

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси "Қизилқум геология қидирув экспедицияси" давлат корхонасининг собиқ директори

**Самижон ЮНУСОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси жамоаси Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона пости катта инспектори

**Искандар ТЕМИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 307,7 ▼ -43,3 | ШРОТ 309,9 ▲ +2,8 | ШЕЛУХА 127,4 ▼ -0,4 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 3749,4 ▼ -805,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3573,5 ▼ -615,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3757,7 ▼ -750,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2229,9 ▼ -743,6 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0 |



# ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

## баркамол авлод тарбияси йўлидаги эзгу ишлар моҳиятини ташкил этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, жорий йилда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари ўртасида ўтказилган “Қувноқлар даврасида” кўрик-танловида таълим даргоҳида таҳсил олаётган ёшлар иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

“Қўл жанги” секцияси аъзоси Жаҳонгир Ўрмоналиев, мана, бир неча йилдирки, вилоят ва шаҳар миқёсидаги мусобақаларда доимо совриндорлар сафида. Анвар Норбўтаев эса турникда тортилиш бўйича жорий йилда ўтказилган республика биринчилигида ғолиб чиқди. Жаҳонгир Муҳиддинов, Шаҳбоз Ҳосилов, Сардор Сагатов, Фахриддин Исмоилов, Жамшид Раззоқов сингари спортга ошно ёшларнинг қайд этаётган натижалари ҳам мақтовга арзигулик. Ушбу билим даргоҳи ўқувчиларидан ташкил топган жамоа мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳарбий лицейлар ўртасида мунтазам ўтказилаётган “Амир Темур авлодлари” ҳарбийлаштирилган спорт мусобақасида ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Шу йил Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган турнирда улар иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳарбий-академик лицейга умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар қабул қилинади. Бунинг учун математика, физика, тарих, она тили ва адабиёти фанидан тест синовлари ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳондан ўтиш лозим.

Эътиборли жиҳати, ўрнатилган тартибга биноан, ҳарбий академик лицейлар битирувчиларига Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Давлат божхона қўмитаси тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча имтиёзли балл берилади.

Бу ҳам ўз тақдирини ҳарбий соҳа билан боғламоқчи бўлган ёшларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

— Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи, — дейди лицей ўқувчиси Жобирбек Имомқулов. — Элга содиқ фарзандлар қаторида хизмат қилиш менинг ҳам энг эзгу мақсадимдир. Ҳозир шу шарафли номга муносиб бўлиш учун астойдил интилаяпман.

Лицей фаолияти билан танишиб, мазкур билим даргоҳи она-Ватаннинг асл мардларини тарбиялайдиган нуфузли масканлардан бири эканлигига амин бўлдик. Чунки бу ерда тобланиб, пўлатдек мустаҳкам ирода, тоғдай улкан саботга эга бўлаётган ўғлонларнинг машғулотлардаги фаоллиги ва ҳарбийча тартиб-интизомга риоя этиши, шижоати ана шундан далолатдир.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган суратлар.**

# ИНСОН МАНФААТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Инсон қадри ва манфаати устувор саналадиган юртимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги бунинг ҳаётий тасдиғидир.***

## 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Бугунги кунда ногиронларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш бутун дунёда долзарб аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, БМТ Бош Ассамблеясида “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинганлиги бежиз эмас. Мамлакатимизда эса инсонийликка хос ушбу эзгу ташаббус ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ногиронлар манфаатини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мана, йигирма йилдирки, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

Жамиятимиз тасарруфида “Лифаа”, “Сўнмас учқун” сингари 100 дан зиёд шўъба корхоналар мавжуд. Бугун уларда 300 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Сўнгги йилларда ногирон болаларнинг истеъдодини юзага чиқариш, иқтидор соҳибларини рағбатлантириш борасида ҳам кўпгина эзгу ишлар амалга оширилаётир. Масалан, жисмоний имконияти чекланган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳар йили “Мафтункор ранглар жилоси” республика танлови, шунингдек, турли спорт-соғломлаштириш мусобақалари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълими, турли касб ҳамда мутахассисликларга тайёргарлигини таъминлашда ҳам хайрли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Болаликдан ногирон бўлиб қолган ва мактабга қатнаш имконияти бўлмаган ёшларнинг деярли барчасига уй шароитида умумий ўрта таълим олиши учун имконият яратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ногирон талабаларнинг шартнома-тўловларини амалга ошириш, уларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш ва моддий-маънавий кўмак бериш мақсадида республика “Маҳалла” жамғармаси ва бир қатор ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда жамиятнинг вилоят, туман, шаҳар бўлимларига 150 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, жамиятимизда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. У ким бўлишидан қатъи назар, эл-юрт фаровонлиги, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш йўлидаги интилишлари ҳамиша қўллаб-қувватланади. Зеро, шу она-Ватан — барчамизники. Унинг бугунгидан-да обод бўлиши, халқимизнинг янада фаровон яшашини таъминлашга ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Ҳасанбой БУРҲОНОВ,**
**Республика Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари.**

Спорт

# ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАРИ

***Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионати ва Осиё Кубоги мусобақаси якунига етди.***

Унда вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Хусусан, йигирма ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар баҳсида Гулнора Абдуғаниева, Марина Сисоева, Дилафрўз Кандагарова, Кристина Вавилова, Сардор Дўстмуродов ҳамда Шуҳрат Шомуродов ўз вазн тоифасида штангани даст, силтаб кўтариш ва иккикураш бўйича энг юқори натижани қайд этиб, учтадан олтин медалга сазовор бўлдилар. Яна бир истеъдодли спортчимиз Достон Ёқубов эса штангани силтаб кўтаришда барча рақибларидан устун келди. Мана шу натижалар туфайли ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

Катталар ўртасидаги мусобақаларда ҳам спортчиларимиз ёрқин натижалари билан ихлосмандларни хушнуд қилдилар. Жумладан, хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биринчи поғонани банд этгани фикримиз тасдиғидир. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса терма жамоамиз кучли учликдан жой олди.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**


«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»
жамоаси



барча юртдошларимизни мамлакатимизнинг
**Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси**
**Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллиги**
муносабати билан самимий қутлаб, оилаларига фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик тилайди!

*Жонажон Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!*

1619R/49


ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 193,2 ▲ +6,1 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 176,7 ▼ -3,6 | АРМАТУРА 3668,4 ▲ +36,0 | ШИФЕР (1 лист) 14708 ▼ -49 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5